O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 221299

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 декабр сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 245 (2283)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### А.О.Файзуллаевни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Омонуллаевич Файзуллаев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 13 декабр.

## ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

# ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА



***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 10-11 декабр кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлди.***

Ташрифнинг асосий ва муҳим қисми Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамда Владимир Путин якка-макка учрашиб, шу куннинг долзарб масалалари, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари тўғрисида фикр алмашди. Иқтисодий ҳамкорлик давлатларимиз ўртасидаги борди-келди, олди-сотдини ривожлантиришга қаратилган, аммо муҳими фақат бугина эмас. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти молия, савдо-сотиқ, маҳсулот ишлаб чиқариш тизими қандай йўлга қўйилгани, дунёдаги илғор давлатлар билан қай даражада шериклик қилишига боғлиқ. Шундай экан, хорижий давлатлар, жумладан, Россия билан иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтириш нафақат бугун, балки келажак учун ҳам зарур.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида товар айланмаси ҳажми сўнгги йилларда бироз қисқарган. Бу масалани ижобий ҳал қилиш, яъни товар айланмаси ҳажмини кенгайтириш давлатларимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, учрашувда минтақавий хавфсизлик ва халқаро террорчилик муаммоси ҳам суҳбат мавзуига айланди. Таъкидландики, давлатлар осойишталигига хавф солаётган халқаро терроргa қарши ҳамжиҳат бўлиб курашмоқ даркор. Бунга икки томоннинг ҳам муносабати бир хил. Бутун дунёда таҳлика пайдо қилаётган бу иллат бугун таг-томири билан йўқотилмас экан, у эртага бундан ҳам ашаддий тус олади. Айтиш мумкинки, фаровон келажак қуриш бугун хавфсизлик чоралари нечоғли қатъий йўлга қўйилгани билан кафолатланади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки давлат ўртасидаги иқтисодиёт, хавфсизлик, мудофаа саноати, божхона ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал қилинишидан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини томонлар очиқ эътироф этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йили ўрнатилган. Шундан буён ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бораяпти. Ўтган йиллар ичида турли мақсадларга йўналтирилган 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. Жумладан, молия, маданият, фан ва техника, таълим, ахборот, спорт ва сайёҳлик бўйича, шунингдек, иқтисодий интеграцияни кучайтириш ва ҳарбий соҳада ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар бор. 1998 йилнинг май ойида Ислом Каримовнинг Россияга ташрифи, ўз навбатида ўша йилнинг октябрида Россия Президенти Борис Ельциннинг Ўзбекистонга ташрифи давлатларимиз бирдамлигини янада мустаҳкамлади, дейиш мумкин. Бу ташрифлар чоғида ҳамкорликда "Ил" русумли самолётлар ишлаб чиқариш, 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Дўрмондаги музокаралар жуда самарали ўтди, десак хато бўлмайди. Томонлар кун тартибидаги масалалар юзасидан атрофлича фикрлашди. Музокаралардан сўнг, Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, икки мамлакат божхона қўмиталари ўртасида акциз солиғи солинган товарларнинг ҳаракати устидан божхона назорати ўрнатишни ташкил этиш борасида ҳамкорлик ҳамда ташқи савдо бўйича божхона статистикаси соҳасида тажриба ва ахборот алмашиш тўғрисидаги протоколлар, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Россиянинг ҳукумат алоқаси ва ахборот бўйича федерал агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг, матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон-Россия муносабатлари, Чеченистондаги воқеалар, бугунги музокаралар бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Россия ҳукумати раҳбари В.Путин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига келиб, ушбу корхона фаолияти билан танишди. Шунингдек, Рус академик театри, Темурийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: Дўрмон қароргоҳидаги учрашувдан лавҳалар.**
**Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар.**

# СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН ҚУДРАТИ

## XXI аср сари

***Мустақил Ватанимиз Конституциясининг ҳар йилги байрамини элимиз алоҳида бир қизиқиш ва чуқур маънавий манфаатдорлик ҳис-туйғуси билан кутишга одатланиб қолган. Шунинг учунки, худди шу муборак байрам куни хонадонларимизга бир табаррук мужда келади. Президентимиз томонидан 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, 1998 йилнинг Оила йили, бошимиздан кечаётган жорий йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинганлиги ана шундай эзгу муждалар эди. Бу хуш анъана давом эттирилиб, Конституциямиз қабул қилинганлигининг 7 йиллиги байрамига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари келаётган янги — 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилдилар.***

Албатта, ҳаёт ва унинг тараққиёти — бой ҳамда мураккаб жараён. Ҳаётда соҳалар кўп, уларнинг муаммолари, жумбоқлари ҳам оз эмас. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, давлатимизнинг барча саъй-ҳаракатлари уларни ҳал этишга қаратилган. Бироқ мустақил ривожланишимизнинг ҳар бир йилида муайян йўналиш устувор вазифага айлантирилишининг алоҳида аҳамияти ва маънолари бор. Юртбошимиз айтганларидай, биринчи навбатда янги йилга пок ва ёруғ бир ният билан қадам қўйиш халқимизнинг эзгу одатига айланиб қолган. Бунинг устига, худди шу йўсинда тараққиётимиз учун айрим масалалар алоҳида, ҳал қилувчи аҳамиятли эканлигига умумхалқ, жамият ва давлатимиз эътибори қаратилади. Асримизнинг сўнгги йили Соғлом авлод йили деб аталиши ҳам ана шу мақсадлардан келиб чиқади.

Янги йилнинг бундай номланиши, шак-шубҳасиз, республикамизнинг ҳар бир фуқаросини беҳад мамнун этди ва қувонтирди. Сабаби — ҳар бир оилада фарзанд бор. Уларнинг саломатлиги, бахту саодати, ижтимоий-шахсий камолоти эса қайси ота-онани ўйлантирмайди, дейсиз? Модомики, соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилар экан, бу нур устига аъло нурдир. Бундай мужда ҳар бир фуқаро қалбига, аввало, инсоний бир севинч нурини бағишлайди. Қолаверса, фарзандлар келажагига ишончни янада мустаҳкамлайди.

Аслида, мустақилликнинг илк йилларидаёқ, мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифалардан этиб белгиланган эди. Бунга мунтазам равишда давлат миқёсида ҳал этиладиган асосий муаммолардан бири, деб қараб келинмоқда. Чунки мамлакатимизнинг келажаги соғлом ва маънавияти юксак авлодлар қўлидадир. Авлодларнинг соғломлиги билан Ватан, унинг келажаги узвий боғлиқдир. Буни Йўлбошчимиз ажойиб ҳикматли шаклда таърифлаб, шундай дедилар: **«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади».** Худди шу ҳикматли қараш янги авлодлар тарбияси билан боғлиқ равишда Ватанимизда олиб борилаётган сиёсат ва кенг кўламдаги амалий фаолиятнинг туб моҳияти ётади. Бежизга мустақил Ўзбекистоннинг энг юксак орденларидан бири «Соғлом авлод учун» деб аталмади. Шу хайрли мақсадга қаратилиб ташкил этилган «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ҳам дунё мамлакатлари учун ноёб янгиликдир. Мана шу илк далилларнинг ўзи бизда соғлом, баркамол авлод тарбиясига нақадар катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатади.

Келаётган йилимизнинг «Соғлом авлод йили» деб, унга алоҳида ижтимоий-маънавий йўналиш берилишининг тарихий аҳамияти ҳам бор. Нега? Чунки собиқ шўролар тузуми даврида, гарчи «комил авлодлар учун кураш» тўғрисида кўп гапирилса-да, аслида, худди ўша йилларда Орол денгизининг ҳалокатга маҳкум этилганлиги, поёнсиз экин ерларимизнинг химикатлар билан ўта заҳарланганлиги наинки фарзандлар, балки умуман минтақадаги бутун аҳолининг саломатлигини жар ёқасига келтириб қўйган эди. Бунинг устига, ҳукмрон шўро мафкураси, мавжуд маъмурий-буйруқбозлик режими кишиларнинг руҳий борлиғини ҳам мажруҳликка учратган эди. Кишиларнинг тан ва руҳ саломатлиги соҳасида вужудга келган бундай муаммолар мустақил Ўзбекистонга эски тузумдан қолган оғир «мерос»лардан биридир.

Мустақиллик йилларида бу «мерос»ни бартараф этиш борасида турли ишлар амалга оширилди. Мамлакатда инсон саломатлигига атрофлича таъсир кўрсатадиган табиий-экологик шароитни яхшилаш борасида давлат миқёсида янги ва янги тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Иккинчидан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича амалга оширилаётган жўшқин ислоҳотлар янги авлодларни руҳий-маънавий соғломлаштиришга хизмат қилмоқда.

Соғлом авлодларни вояга етказиш вазифаси, юқорида айтганимиздек, бевосита ва энг аввало, мустақил тараққиётимизнинг туб манфаатлари билан боғлиқдир. Қудратли ва фаровон давлатнинг келажаги қудратли ва баркамол авлодлар мавжудлигига боғлиқ экан, бу соҳадаги ишларни, чиндан ҳам, давлат миқёсида ва кенг кўламда йўлга қўйиш керак бўлади.

Бундай фаолият мамлакатимизда йўлга қўйилган ва унинг қувонарли дастлабки самараларини ҳам халқимиз кўриб-билиб турибди. Ўзбекистоннинг куч-қудрати ва шон-шуҳратини таъминлашда баркамол янги авлодларнинг улуши йил сайин кўзга аниқроқ ташланмоқда. Спортнинг турли соҳаларида халқаро миқёсда зафар шоҳсупаларига кўтарилаётган ёшларимизни бир эслайлик. Янги, соғлом руҳли авлод вакиллари бугун ижтимоий-иқтисодий фаолият соҳаларида, тадбиркорлик жабҳасида ҳам кўпайиб боряпти.

Айтишимиз керакки, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловларда янги авлодларнинг бир қатор вакиллари ҳам қизғин курашларда депутатлик мандатига эга бўлдилар. Энг муҳими, бу сайловда сайловчиларнинг катта қисмини ёш авлод вакиллари ташкил этди ва уларнинг овози янги депутатлик корпусининг шаклланишида ҳал қилувчи омилларидан бирига айланди. Олдинда турган Президентлик сайловида ҳам ёшларимизнинг соғлом, ҳалол, Ватанимиз келажагининг асл манфаатларига таянган овози худди шундай омил бўлажак.

2000 йилда «Соғлом авлод учун» дастури устувор йўналиш этиб белгиланганлиги Президентимиз ва давлатимизнинг баркамол ёш авлодни тарбиялаб етказишга қаратилган сиёсати ва фаолияти изчил, барқарор мақсадли эканлигидан яққол далолат беради ва бу дастур шу пайтгача қилинган ишларни янги босқичга кўтаради, унга янада шиддатли амалий-кундалик фаолият руҳини бағишлайди.

**М. САФАРОВ.**

# САХОВАТ — ЭНГ ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Раҳм-шафқат, меҳр-мурувват, саховат инсонни эл ичида мукаррам ва азиз қилган энг улуғ фазилатлардандир. Айниқса, муҳтожларга, ногиронларга қилинган яхшилик ҳеч қачон бесавоб, беоқибат қолмайди. Ҳар бир яхшиликка садақа савоби берилур, дейилади муборак ҳадисларда. Хусусан, Соғлом авлод йили арафасида катталар мадади ва мурувватига эҳтиёжманд болаларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг руҳини кўтариш ва турмуш шароитини яхшилаш йўлида олиб бориладиган ишларда ибрат намунаси бўлиши, табиий.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги 100-полиомиелит ва мия фалажи билан хасталанган болалар мактаб-интернати тарбияланувчиларига хаста болаларнинг кўнглини кўтариш, турмуш шароитини яхшилаш, таълим-тарбия жараёнларини замонавийлаштириш, даволаш мақсадларига сарфлаш учун ўзининг мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган китобларининг қалам ҳақи ҳисобидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги шахсий маблағини ҳадя этди. Шунингдек, мактаб-интернат тарбияланувчиларининг барчасига бир сидрадан кийим-кечак совға қилинди.

Совғаларни топшириш маросимида Президент девони Ахборот-таҳрир хизматининг раҳбари Х.Султонов Юртбошимизнинг мактаб-интернат жамоасига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди. Унда хасталикка чалинган болаларга таълим-тарбия бераётган, даволаётган меҳрибон мураббий ва шифокорлар меҳнати юксак баҳоланган. "Сизларнинг алоҳида эътибор ва меҳрга муҳтож бўлган ногирон болаларни ғамхўрлик билан парвариш қилиб, уларга қалб қўрингизни бағишлаб, билим ва тарбия бераётганингиз ғоят савобли ишдир... Саховат, меҳр-шафқат, мададга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳамдард бўлиш - халқимизнинг эзгу фазилатидир", деб таъкидланади мактубда. Интернат ўқувчиларини фарзандларим, деб атаган Президентимиз уларга Яратгандан сиҳат-саломатлик, мустаҳкам ирода ва бахт-саодат тилайди.

Президент ҳадяларини топшириш маросимида сўз олган интернат мураббийлари ва ота-оналар "Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак", деган ибратли ибора бугун амалда тасдиғини топиб турганини айтишди. Тарбияланувчилар номидан гапирган Маъмур Хўжаев эса Президентнинг давлат ишларидан ортиб, ногирон болалар ҳолидан хабар олишга, турмушини енгиллатишга, руҳини кўтаришга имкон топганидан барча болаларнинг кўнгли тоғдай кўтарилганини таъкидлади. "Биз йилига уч-тўрт мартадан совға оляпмиз. Бу эътибор ва ғамхўрлик бежиз кетмайди, албатта. Биз Президентнинг ишончини албатта оқлаймиз, ўз миннатдорлигимизни нафақат сўзда, амалда ҳам исбот қиламиз", деди у.

— Биз — меҳрга муҳтож болаларнинг тарбиячилари, — деди мактаб-интернат директори Муқаддас Мираҳмедова, — Президентимиз хайр-саховатда ҳам кўпчилигимизга намуна кўрсатаётганидан беҳад қувондик. Мамлакатимизнинг барча фуқаролари у кишидан ибрат олмоғи керак.

Интернат мураббийлари Президентимиз шу йил феврал ойида ҳам ўз китоблари учун олган қалам ҳақининг бир қисмини ёрдам сифатида мазкур мактабга ҳадя этганини, бу маблағ ногирон болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва таълим жараёнларини такомиллаштиришга сарф этилганини айтишди. Бу сафарги ёрдам ҳам ана шундай эзгу мақсадлар учун сарфланишини таъкидлашди.

Шунингдек, Самарқанддаги 10-меҳрибонлик уй-лицейида тарбияланаётган болалар ҳам Президент совғаларини олди. Бу ерда ҳам меҳрга муҳтож болаларнинг кўнглини кўтариш йўлида кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ҳамда болалар истеъдодини юзага чиқариш йўлидаги изланишлар шунинг бир қисмидир. Бу даргоҳ тарбияланувчиларининг ҳунармандлиги, ташаббускорлиги кўпларга маълум. Улар республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларини қўлга киритмоқда.

Уй-лицей қошида ташкил этилган "Бинафша" фольклор-этнографик даста аъзолари эса бу йил республика танловида юксак баҳога сазовор бўлди. Бундай ютуқлар, шубҳасиз, эл назарига, Юртбошимиз эътиборига тушди. Президентимиз шу муносабат билан уй-лицей жамоасига катта меҳр-муҳаббат билан йўғрилган мактуб йўллади. Унда, жумладан, шундай сатрларни ўқиш мумкин:

"Ота-она меҳрига муҳтож болаларнинг бошини силаш, кўнглини кўтариш, ҳаётида тўғри йўл танлаб олишига ёрдам бериш азалий Шарқона фазилатдир. Сизлар савобли меҳнатингиз билан бағрикенг халқимизнинг ана шу эзгу анъанасини давом эттириб, соғлом авлод тарбиялашдек муқаддас ишимизга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдасиз.

... Сизнинг жамоангизга бўлган ҳурмат-эҳтиромим, жондан азиз фарзандларимизга чексиз меҳрим ифодаси сифатида сўнгги йилларда чоп этилган китобларим учун берилган қалам ҳақидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни меҳрибонлик уйи ҳисобига ўтказишга қарор қилдим".

Мазкур жамоада ҳам ана шу мактуб ва ҳадяни топширишга бағишланган маросим бўлди. Мактубни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди. Маросим чоғида бу ерда тарбияланаётган ўғил-қизнинг ҳар бирига Президент номидан кийим-кечак ҳам совға қилинди.

**Мусулмон НАМОЗОВ,**
**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ЗИЁРАТГА ҲОЗИРЛИК

***Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шарт-шароит яратишга давлат томонидан доим амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу йил ҳам Вазирлар Маҳкамасининг шу мақсадга қаратилган "Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимиздаги барча мўмин-мусулмонлар томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.***

Муборак ҳаж зиёратини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатувчи давлат ва жамоатчилик ташкилотлари вакилларидан иборат республика ишчи гуруҳи ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасида гуруҳнинг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

2000 йилда ҳаж мавсумини ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик ҳақида Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Ш.Миноваров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

Таъкидланганидек, навбатдаги ҳаж мавсумига ҳужжатлар 1999 йил 15 декабрдан 2000 йилнинг 15 январигача қабул қилинади. Ҳаж зиёратига бориш учун ариза берган номзодларни адолатли равишда танлаб олиш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

Мажлисда зиёратга борувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, хавфсизлигини таъминлаш, ҳужжатларини расмийлаштириш, бўлажак ҳожиларга транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган сайлов мамлакатимиз фуқароларида катта сиёсий фаолликни жўш урдирди. Сайловда иштирок этган сиёсий партиялар кўпайганлиги, депутатликка бевосита фуқаролар томонидан ҳам номзодлар кўрсатилганлиги, сайлов кампаниясининг барча босқичлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганлиги ҳар кимга давлат ишларини бошқарувидаги ўз иштирокини, Ўзбекистон истиқболи учун масъулиятини ҳақиқий тарзда ҳис этиш ҳамда ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имконини берди.

Депутатлар сайлови ҳамма ерда уюшқоқлик билан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократик жараённи янада ривожлантириш йўлида, ҳуқуқий давлат қуриш ишида яна бир муҳим қадам бўлиб қолди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайлов ўтказувчи 669 та, туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 4617 та, шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 859 та сайлов округи ҳамда 7723 та сайлов участкаси, шунингдек, тегишли ҳудудий, округ ва участка сайлов комиссиялари тузилди. Барча сайлов комиссиялари таркибида 120 мингдан ортиқ киши иш олиб борди.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ҳаммаси бўлиб «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган қарийб 17 минг номзод рўйхатга олинган эди. Ўрта ҳисобда вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича тўрт нафарга яқин, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи бир округ бўйича эса учтадан номзод рўйхатга олинди.

Мамлакатимиз бўйича 12692202 нафар киши сайловчилар рўйхатига киритилган бўлиб, уларнинг 12061266 нафари ёки 95,03 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Тегишли сайлов комиссияларининг маълумотларига қараганда барча округларда сайлов бўлиб ўтган деб топилди. 5 декабрдаги овоз бериш натижаларига кўра халқ депутатлари вилоят Кенгашларига 464 киши, туман кенгашларига 4112 киши ва шаҳар Кенгашларига 624 киши депутат этиб сайланган.

Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатларнинг рўйхатлари тегишли оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда.

Икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам депутат этиб сайланмаган 850 сайлов округида сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ тегишли сайлов комиссияларининг қарори билан 19 декабрда такрорий овоз бериш ўтказилади.

Икки нафардан номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олишга муваффақ бўлмаган 95 сайлов округида бир ой ичида такрорий сайлов ўтказилади.

Иккинчи чақириқ маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг умумий сони ва улар тўғрисидаги маълумотлар такрорий овоз бериш ҳамда такрорий сайлов ўтказилганидан кейин эълон қилинади.

# ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА ЙИҒИЛИШИ

Юртимизда яна бир буюк зотнинг табаррук номини тиклаш ва меросини ўрганиш имкони яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳадис ва фиқҳ оламининг равнақига улкан ҳисса қўшган йирик аллома Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунга кўра алломанинг тўйи 2000 йилда кенг нишонланади.

Вазирлар Маҳкамасида ана шу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Қарорда Самарқанд вилоятида жойлашган Чокардиза қабристонидаги Имом ал-Мотуридий мақбарасини реконструкция қилиш, мамлакат ҳудудидаги буюк аллома номи билан боғлиқ қадамжолар, обидалар рўйхатини аниқлаш ва уларни таъмирлаш-консервация қилиш бўйича белгиланган тартибда таклифлар тайёрлаш, "Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш, ватандошимиз асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни чоп этиш режалаштирилган, юбилейга бағишланган почта маркалари ва хатжилдлар чиқариш кўзда тутилган.

Йиғилишда юбилейга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Мазкур масалалар юзасидан Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Маматов, Ўзбекистон Фанлар академияси Президенти Т.Жўраев, Маданият ишлари вазири Х.Жўраев, Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Абу Мансур ал-Мотуридий илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги беқиёс ўрнини ҳисобга олиб, ушбу меросни авайлаб-асраш, қадрлаш ва жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда ундан оқилона фойдаланиш мақсадида Олий таълим муассасалари, мактаб ва лицейларда аллома ҳаёти ва фаолияти тўғрисида дарслар ташкил этишга қарор қилинди. Ўзбекистон Бадиий академияси, Меъморлар уюшмасига Имом ал-Мотуридий ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси ҳамда аллома сиймоси ва шу асосда юбилей эмблемасини яратиш бўйича республика танлови ўтказиш топширилди. Давлат матбуот қўмитаси эса Фанлар академияси тавсияси асосида Имом ал-Мотуридий ҳаёти, фаолияти ва ижоди билан боғлиқ асарларни нашр этадиган бўлди.

**(ЎзА)**

*Ҳамкорлик*

# CITIC–ЎЗБЕКИСТОНДА

Маълумки, Президентимиз яқинда Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида мазкур мамлакатнинг етакчи компаниялари раҳбарларини ҳам қабул қилган эди. Ана шу учрашувда икки томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилганди. Хитойлик ишбилармонлар Ўзбекистон билан бундай алоқаларни янада кенгайтиришга тайёр эканлигини изҳор этишганди. Шу боис мазкур мулоқот чоғида амалдаги лойиҳалар ижроси кўриб чиқилиб, янгиларини тузиш бўйича ҳам фикр алмашилди.

Орадан кўп вақт ўтмай, республикамизга Хитойдаги йирик компаниялардан бири – CITIC корпорацияси вице-президенти Чжау Пейву бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб келди. Таркибида компаниянинг яна бир неча вакиллари, шунингдек, Хитой темир йўллари миллий компанияси, Чангун вагонсозлик заводи мутахассислари бўлган мазкур делегациянинг мақсади ҳам Ўзбекистондаги тегишли тармоқлар фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро ҳамкорлик алоқалари истиқболларини аниқлаб олиш эди. Меҳмонлар бир неча кун давомида қатор вазирликлар, идораларда бўлиб, ўзаро музокаралар олиб боришди, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Шу ўринда CITIC компанияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. CITIC – ўз мамлакатида халқаро транспорт ва инвестиция соҳасида етакчи ўринларда туради. Корпорация фаолияти ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, унинг асосий йўналишлари молия, инвестиция, кўчмас мулк, қимматли қоғозлар билан шуғулланиш ва темир йўл қурилишида иштирок этишдан иборатдир. Унинг умумий айланма маблағи эса 35 миллиард АҚШ долларидан зиёдроқни ташкил этади.

Кейинги йилларда CITIC корпорацияси раҳбарлари Ўзбекистон бозорига алоҳида қизиқиш билан қарашмоқда. Шу боис бу ердаги мавжуд шарт-шароитлар, ўзаро ҳамкорликлар учун яратилган имкониятларни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг республикамизга бу галги ташрифи ҳам бевосита ана шундай мақсадларга қаратилгандир.

Учрашувлар чоғида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида дастлабки амалий қадамлар ҳам ташланди. Гап шундаки, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари фаолияти билан яқиндан танишиш жараёнида хитойлик ишбилармонларни пойтахтимизда амалга оширилаётган метрополитен қурилиши истиқболлари, айниқса, қизиқтириб қолди. Бу ҳол Тошкент метрополитени бошқармасида бўлиб ўтган учрашув чоғида яққол кўзга ташланди. Зотан, CITIC корпорацияси темир йўллар ва шу билан бирга, метрополитен қурилиши соҳасида ҳам катта тажриба ва имкониятларга эгадир. Шу боис Тошкент метро қурилиши бўйича олиб борилаётган ишлар ва бу борадаги истиқболли лойиҳаларда иштирок этиш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги сир эмас.

Учрашув чоғида меҳмонларга Тошкент метроси ҳақида батафсил маълумот берилди. Зотан, бугунги кунда метро – пойтахтимиздаги мавжуд йўловчи ташиш транспорти турлари орасида алоҳида ўринни эгаллайди. Айни пайтда бу ерда умумий узунлиги 31,5 километр, 23 та станциядан иборат иккита ер ости транспорти йўналиши аҳолига хизмат кўрсатиб турибди. Шу билан бирга, янги «Юнусобод» йўналиши қурилиши катта суръатлар билан давом эттирилмоқда. Яқин келажакда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган ушбу йўналишнинг биринчи навбати 6 та станциядан иборат бўлиб, узунлиги 7,5 километрни ташкил қилади.

Келажакда Тошкент метрополитенининг аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қамровини янада кенгайтириб бориш мўлжалланган. Шу мақсадда айни пайтда унинг тўртинчи йўналишини барпо этиш юзасидан ҳам тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Пойтахтимизнинг энг йирик аҳоли истиқомат қиладиган масканларидан бири – «Сирғали» мавзесини метро йўналиши билан боғлаш юзасидан зарурий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга киришилган. Тошкент метрополитени бошқармасида хитойлик меҳмонлар билан бўлган учрашувда ана шу янги йўналиш қурилиши юзасидан ўзаро фикрлашилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу музокаралар иккала томон учун ҳам фойдали бўлди, дейиш мумкин. Учрашув сўнггида Хитойнинг CITIC компанияси билан Тошкент метрополитени тўртинчи линиясини ҳамкорликда бунёд этиш юзасидан келишув протоколи имзоланди. Унга биноан, Хитой компанияси ўз томонидан ажратиладиган кредит ҳисобига янги метро йўналиши учун 40 та вагон етказиб беради. Шу билан бирга, хорижлик шериклар янги йўналишни сигнализациялаштириш, марказлаштириш ва поездлар ҳаракатини автоматик равишда бошқариш тизими, телевидение, юқори товушли ахборот, радиоалоқа ускуналари ва бошқа моддий-техника ресурсларини етказиб беришни ўз зиммасига олади. Янги йўналишни лойиҳалаштириш ишларида эса «Тошметролойиҳа» институти ходимлари билан биргаликда хитойлик мутахассислар ҳам иштирок этишади.

CITIC компанияси вице-президенти жаноб Чжау Пейву бизга берган интервьюсида Ўзбекистонга қилган илк сафари жуда самарали бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

– Биз ҳамиша Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараб келганмиз, – деди, жумладан, у. – Марказий Осиё минтақасида етакчи бўлган мамлакатингизда улкан иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётганлигидан яхши хабардормиз. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳақида жиддий ўйлай бошлагандик. Яқинда Хитойга ташриф буюрган мамлакатингиз Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари билан бўлган учрашувдан сўнг бу истак янада кучайди. Очиғи, ана шу мулоқот чоғида у кишининг фикр-мулоҳазалари, ниятларини тинглаб, қойил қолган эдик. Бундай одам Президентлик қилган давлатнинг тез орада гуллаб-яшнашига биз ишонамиз.

– Тошкент метрополитени қурилишида иштирок этиш юзасидан имзоланган ҳужжат ҳақида қандай фикрдасиз?

– Албатта, бундай лойиҳани амалга оширишда бизнинг компаниямизнинг иштирок этишини ҳамкорликларимизнинг муқаддимаси, дейиш мумкин. Ўзбекистон – иқтисодиёти барқарор ривожланаётган мамлакат. Бу ерда турли соҳаларда беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Демак, келажакда қурилишнинг турли жабҳаларида ҳам алоқаларни йўлга қўйишимиз мумкин, деб ўйлайман. Муҳими, юртингизда бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Биз учун энг муҳими шудир.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ДЕҲҚОННИНГ СУЯНЧИҒИ

*Эл аро «деҳқон даласида баҳорни қишга боғлайди», деган нақл юради. Бу бор гап. Бироқ унинг... кўкламда иссиқдан кўпчиган далаларни ўзининг «пўлат оти»да кафтдек текислаб, ёзнинг жазирамасида ғўзаларга ишлов берган, лўппи-лўппи бўлиб очилган пахтасини эса қувона-қувона териб, кузнинг сўнгги кунларида дала кезиб чарчамаган биродари — механизатор ҳам борлигини баъзан эсдан чиқарамиз.*

*Сиз суратда кўриб турган йигит — Олимжон Олишев. Дўстлик туманидаги Қосим Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмасида механизаторлик қилади. Юқоридаги фикрлар Олимжонга қарата берилган нисбат, десак муболаға бўлмас. Мана 8 йилдирки, у экишдан тортиб, ҳосил йиғиб олингунча далада бош-қош. Шу боис ҳам ҳамқишлоқлари орасида унинг обрў-эътибори катта.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган сурат.**

## ЁШ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Олмалиқ давлат техника коллежи талабалари фанларни чуқур ўзлаштиришда ўз устозлари яратган ўқув адабиётлари ва қўлланмалардан кенг фойдаланмоқда.

Коллежда тоғ-кон саноати учун ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрланмоқда. Кейинги йилларда ўқув дастурига янги йўналишлар киритилди. Ўғил-қизлар иқтисодчи, молия ва солиқ мутахассислиги бўйича таълим ола бошлади. Бакалаврлар тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Тошкент Давлат техника университети билан яқиндан ҳамкорлик ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўқув даргоҳи 2003 йилга бориб касб-ҳунар коллежига айлантирилади. Шу боис, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда махсус дастур ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ мавжуд моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Коллеж ихтиёрига бир ярим гектар майдон ажратиб берилди. Бу ерда ишлаб чиқариш устахоналари, жисмоний тарбия ва спорт майдончалари бунёд этилади.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ОЛАМГА БИР НИГОҲ

**Нима? Қачон? Қаерда?**

### ЎЗБЕКИСТОН–ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

# АЛОҚАЛАР КЕНГАЯДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 1996 йилда Флоренцияда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (ШҲБ) шу йилнинг 1 июлидан бошлаб кучга кирди. Бу Ўзбекистоннинг демократик тамойилларга содиқлиги, сиёсий ва иқтисодий эркинликларнинг БМТ ва ЕХҲТ тамойилларига мос равишда мустаҳкамланаётганлигини ЕИга аъзо давлатлар тан олганлигини билдиради.

Шу йилнинг сентябр ойида Брюсселда Ўзбекистон — Европа Иттифоқи Ҳамкорлик Кенгашининг биринчи мажлиси ўтказилди. Унда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг 2000 йилдаги муҳим йўналишлари белгилаб олинди. Томонлар, шунингдек, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишда иштирок этадиган Европа ва Ўзбекистон расмий идоралари ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини эътироф этдилар.

Яқинда ЕИ Комиссияси Ўзбекистон Республикаси раҳбарларининг бир гуруҳининг ЕИ, Европарламент, Европа Комиссияси ва ЕИ Кенгаши тузилмаси ва унинг иш фаолияти билан таништириш учун Брюсселга мақсадли сафарини уюштирди.

Унда Европа Иттифоқи вакиллари Ўзбекистон Республикаси билан сиёсий ҳамкорлик ва савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан, турли даражадаги доимий ўзаро алмашувларни йўлга қўйишдан манфаатдор эканликларини қайд этдилар. ШҲБ доирасида ташкил этилаётган тузилмалар ҳар томонлама муносабатларни муваффақиятли кенгайтириш учун ишончли механизм эканини таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси вакилларини қизиқтирган масалалар, жумладан ЕИ тузилмаларида кечаётган жараёнга оид қарорлар қабул қилиш, Европа Парламентининг ЕИни барпо этишдаги роли, уни кенгайтириш жараёни, ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари, Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши ҳамда мазкур жараённи амалга оширишда ЕИнинг Ўзбекистонга кўмаклашуви тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

ЕҲ Комиссияси ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таклиф этилган "Ўзбекистон менеджерларини ўқитиш дастури" тасдиқланганини маълум бўлди. Европа Ҳамжамияти Комиссиясининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан алоқалар бўйича департаменти директори Т. Сумма 2000 йилнинг бошида мазкур дастурни амалга ошириш ва унда иштирок этиш учун Ўзбекистондан даставвал 30 нафар менеджер таклиф этиш режалаштирилгани тўғрисида хабар берди. Улар Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг муассасаларида, институтларида, фирма ва компанияларида менеджерлик санъати соҳасида малака ошириб, ўз билимларини кенгайтирадилар.



*Бугунги Болгария.*

### «ТОЛИБОН»ЛАР АРАЛАШМОҚЧИ ЭМАС

"Толибон" ҳаракати, агар Грозний Россия федерал қўшинлари томонидан ишғол қилинса, Чеченистон президенти Аслан Масхадов ва бошқа ҳукумат аъзоларига Афғонистонда сиёсий бошпана берилиши тўғрисидаги хабарни рад этди.

"Толибон" вакилининг таъкидлашича, ушбу ҳаракат Чеченистон президенти ва ҳукумат аъзоларига ҳеч қандай ёрдам бермайди. Толиблар Чеченистонда кечаётган воқеаларга аралашмоқчи эмас.

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Мексикадаги миллий геофизика институти тадқиқотчиларининг таъкидлашича, асримизда юз берган зилзилалар оқибатида жами уч миллионга яқин одам ҳаётдан кўз юмган.

* * *

Лондонда "Аэробус" номли Европа консорциуми бир йўла 650 нафар йўловчини ўзига сиғдира оладиган улкан самолёт яратишга киришди. У 2007 йилдан бошлаб йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

* * *

Россия билан Хитой ягона куч бўлиб, жаҳонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга киришиш ниятида.

* * *

Албания президенти Ражаб Майдонийнинг Руминияга уч кунлик давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

Австралия соҳил қўриқчилари мамлакат ҳудудига ноқонуний ҳолда ўтишга уринган 120 нафар муҳожирни тутиб қолди.

* * *

АҚШ президенти Билл Клинтон янги молия йилида мамлакат разведка муассасалари фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳасига имзо чекди.

### ЯНА ТАБИИЙ ОФАТ

Вьетнамда кучли сув тошқини юз берди. Юздан ортиқ киши ушбу табиий офатнинг қурбони бўлди. Юз мингга яқин аҳоли бошпанасиз қолди. Хабарларга қараганда, фожиа оқибатида Ханьхоа, Биньдин ва Кунгнгай вилоятларида транспорт қатнови ҳамда электр тармоқлари издан чиққан. Одамлар кўприклар устида, автомобил ва темир йўлларида жон сақламоқда.

Бундан бир ой олдинги сув тошқини ҳам худди шу ҳудудларда юз берган эди. Ушанда 591 киши ҳалок бўлган, давлат 265 миллион АҚШ доллари миқдорида моддий зарар кўрганди.

**«Жаҳон» АА ва хориж матбуоти ҳамда ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

ABN·AMRO · The Network Bank

Обрў-эътиборли "Euromoney" молия журнали томонидан

**АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А.Ж.**

1999 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб тан олинди.




**ABN AMRO BANK**

**Best Bank in Uzbekistan**

Бизнинг ҳамкорликдаги банкимизнинг асосий таъсисчиси-АБН АМРО Банкдир. Бу универсал банкнинг тарихи ўтган аср бошидаги Голландия тарихига бориб тақалади. Бугун АБН АМРО Банк дунёнинг 76 мамлакатида ўз филиалларининг кенг тармоғига эга бўлган энг йирик халқаро молиявий конгломератлардан биридир.

*Биз:*

- Ўзбекистон молия бозорида энг яхши банк хизматларини;
- Банк хизматларининг кенг мажмуасини — пул кўчириш ва тижорат кредитдан тортиб, конвертация жараёнлари ва мижозлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган мураккаб таркибий молиялаштиришгача;
- «Электрон банк иши (банк-мижоз тизими)» ва пластик карточкалари каби маҳаллий бозор учун мутлақо янги бўлган банк хизматларини тақдим этамиз.

**СИЗНИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА КЎРИШДАН ХУРСАНДМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!**

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд.*
*Телефон: 120-61-41.*

2353

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**Қуйидаги бўш (вакант) кафедра мудирлари лавозимларига танлов эълон қилади:**

1. *Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик сув таъминоти.*
2. *Гидрология ва гидрогеология.*
3. *Гидромелиоратив ишларини механизациялаш.*
4. *Гидротехника иншоотлари.*
5. *Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.*
6. *Гидравлика.*
7. *Олий математика.*
8. *Қурилиш механикаси.*
9. *Чизма геометрияси ва инженерлик графикаси.*
10. *Педагогика ва ўқитиш услубияти.*
11. *Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни механизациялаш ва иссиқлик техникаси.*
12. *Чорвачилик фермаларини механизациялаш.*
13. *Трактор ва автомобиллар.*
14. *Машиналар пухталиги ва ремонти.*
15. *Амалий механика.*
16. *Ўзбек тили.*
17. *Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини автоматлаштириш.*
18. *Қишлоқ ва сув хўжалигининг электр таъминоти.*
19. *Қишлоқ хўжалигида электр энергиясини қўллаш.*
20. *Электротехниканинг назарий асослари.*
21. *Умумий физика ва кимё.*
22. *Бухгалтерия ҳисоби ва молия.*
23. *Ер тузиш ва ер муносабатлари.*
24. *Ер кадастри.*
25. *Геодезия.*
26. *Тупроқшунослик ва деҳқончилик.*
27. *Рус тили.*
28. *Жисмоний тарбия.*

**Танловда мутахассисликлар бўйича фан докторлари, профессорлар ва фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.**

***Танловга аризалар қабул қилиш муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.***

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, ТИҚХМИИ кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Телефон 137-19-49.**

*РЕКТОРАТ.*

ЕАS@2349

